Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 НОЯБРЬ; ШАНБА № 222 (720), 1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ПУЛИГА ЎТАДИ!

12 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистоннинг ўз пули — «Сўм-Купон»га ўтишига бағишланган кенгаш бўлди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Кенгашда республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Олий Кенгаш Раиси ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Кенгаш комитетларининг раислари, вазирликлар, идоралар, банкларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, миллий валютага ўтиш Россия раҳбарияти ва бу мамлакат марказий банкининг беқарор сиёсати туфайли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг яқинда Алматида бўлиб ўтган учрашувида Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев қабул қилган қўшма баёнотда Марказий Осиё минтақасидаги икки йирик давлатининг ўз миллий валютасига ўтиш ҳақидаги қарори аниқ баён қилиб берилган эди. Қайд этилганидек, иккала қардош қўшни мамлакатда бир вақтнинг ўзида миллий пул жорий қилинади. Фарқ фақат шундаки, Қозоғистон бирданига рублни чекланган миқдорда тангага — Қозоғистоннинг миллий пулига алмаштиради, Ўзбекистон эса аввалига купонни жорий қилади. Кенгашда ана шу — «Сўм-Купон»ни жорий ўтиш муддати белгиланди.

— Биз ўз пулига ўтган Болтиқбўйи мамлакатлари, Қирғизистон ва Туркманистон тажрибасини обдон ўргандик, — деди Ислом Каримов. — Бунинг сабаби бор, албатта. Мақсадимиз — сўмни жорий қилишда биздан олдин ўз пулига ўтган мамлакатлардаги нохуш оқибатларга йўл қўймасликдир. Олдимизда икки йўл турарди: ё қисқа муддатларда пул ислоҳотини ўтказишимиз, — аммо бу аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинмаган тоифаси аҳволига салбий таъсир кўрсатган бўларди, ёки аста-секин, ҳар хил сакрашларсиз сўмни муомалага чиқаришимиз лозим эди. Биз ўз йўлимизни танладик. Бу йўл шундан иборатки, дастлабки пайтда республиканинг ички бозорида кўп марта ишлатиладиган купон жорий этилади. У рубль билан (1 рубль: 1 «Сўм-Купон») теппа-тенг юради. Ҳеч қандай чеклаш бўлмайди. Чеклаш инсон ҳуқуқини поймол қилиш бўлар эди.

Хўш, нега республика бирданига ҳақиқий пулга ўтиб қўя қолмаяпти? Бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик эмасми? Жавоб лўнда: йўқ!

1961 йилдаги машҳур Хрушчёв ислоҳоти, шунингдек, ўз валюталари қийматини сунъий тарзда ошириб юборган Қирғизистон билан Туркманистон тажрибаси бу ишда шошилиш ортиқча, ҳатто кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Битта мисол. Ҳозир Туркманистонда бир буханка нон 2,5 манат туради. Бундай қараганда арзонга ўхшайди. Лекин, республикадаги ўртача маоши ҳисобга олган ҳолда бу пулни рублга чақсак, ноннинг нархи 1250 сўмга етади. Бу нархнинг яқин ўртада тушиши амримаҳол. Биз жорий қилаётган ўтиш даври купони эса сўмнинг муомалага қатъий ишонч билан киришига пухта омил бўлади.

Кенгашда «Сўм-Купон»ларни биринчи навбатда нафақахўрлар, талабалар, республиканинг турли эҳтиёжманд фуқаролари тўла ҳолда олиши таъкидланди. Кенгаш иштирокчиларининг эътибори пул алмашиш даврида бирон-бир камхарж оила масъул ходимлар назаридан четда қолмаслиги лозимлигига қаратилди. Вилоятларга алоҳида ваколатга эга бўлган нуфузли раҳбарлар бириктирилди. Бош вазир А. Муталов раҳбарлигидаги пул алмашиш республика комиссияси зиммасига бу муҳим тадбирни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Ишчи ва хизматчилар ноябрь ойи маошини қисман купон, қисман рубль билан олади.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлайдиган асосий манба — бозорга келадиган бўлсак, Президент бозордаги сотувчиларга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ бўлмаслиги керак, деган масалани қатъий қилиб қўйди. Деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотни «Сўм-Купон»га сотадими, рублга сотадими — ўзлари билади. Аммо, улар миллий пулни афзал кўришлари аниқроқ, албатта.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, энг муҳими, Ўзбекистон фуқароларида ташвишланиш, безовталикка асос йўқ. Миллий валютага ўтиш жараёни мураккаб, албатта. Бироқ, ҳукумат вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил вазиятларни назарда тутиб, пайдо бўлган муаммоларни тез ва самарали ҳал қилишга тайёр турибди.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, 15 ноябрь мустақил Ўзбекистонимизнинг молиявий мустақилликка эришган куни бўлиб тарихга киражак!

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «Сўм-Купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа пул даромадлари аҳолига ўз вақтида тўланишини таъминлаш, республиканинг ички истеъмол бозорини муҳофаза қилиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майдаги 883—XII-сон, 1993 йил 3 сентябрдаги 952—XII-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги рубль билан баравар тўлов воситаси сифатида «Сўм-Купонлар» муомалага киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Сўм-Купонлар» 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 «Сўм» қиймати билан, 1961—1992 йиллар нусхасидаги 1 рублга 1 «Сўм-Купон» нисбатида ва Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги қоғоз пулларига ҳам худди шундай нисбатда муомалага чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни беришда рубллар билан бир вақтда ва ўз муддатида белгиланган нисбатларда «Сўм-Купонлар» берилишини таъминласин. Навбатдаги тўловлар 1993 йил 21 ноябргача берилиши таъминлансин. 1993 йил декабрь ойи учун пенсия ва стипендиялар 100 фоиз миқдорда «Сўм-Купонлар» билан тўлансин.

«Сўм-Купонлар» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва аҳоли томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ҳисоб-китоб счётларига, омонатларга, аккредитивларга қўшиш учун ва пул ўтказиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир.

Халқ хўжалигида ҳисобга олиш ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда рубллар ҳисобида сақлаб қолинади.

2. 1993 йилнинг 22 ноябридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон варақчаларининг (бир мартабали купонлар) амалда бўлиши бекор қилинсин.

3. СССР Давлат банки ва Россия Банкининг қоғоз пуллари бўйича қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

а) Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги қоғоз пуллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида чекловларсиз қабул қилинади;

б) СССР Давлат банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари «Сўм-Купонлар» билан бир қаторда тўлов воситаси сифатида чекловларсиз фойдаланилиши мумкин;

в) СССР давлат банки ва Россия Банкининг қиймати 200, 500, 1000 рубль бўлган 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари Ўзбекистон Марказий банкининг «Сўм-Купонлари» билан алмаштириб бўлгунга қадар муайян муддатгача тўлов воситаси сифатида қабул қилинади;

г) 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб Россия банкининг қиймати 5000 ва 10000 рубль бўлган қоғоз пулларидан барча турдаги тўловларда фойдаланиш тақиқлансин. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йил 1 декабридан бошлаб мазкур қоғоз пулларни муомалага чиқаришни батамом тўхтатсин. Аҳоли қўлида бўлган ана шу қийматлардаги пулларни Жамғарма банки муассасаларига омонатлар сифатида қўйиш ва кейинчалик улардан белгиланган тартибда фойдаланиш тавсия этилсин.

4. Аҳолига фақат «Сўм-Купонлар»га сотиладиган халқ истеъмол молларининг рўйхати 1 иловага мувофиқ тасдиқлансин. 25 минг рублгача бўлган товарларнинг бошқа барча турлари, шунингдек пулли хизматлар (коммунал, маиший, транспорт хизмати ва ҳоказолар) рублларга сотилиши ва рубль ҳисобидан амалга оширилиши мумкин (қиймати 5000 ва 10000 бўлган рубллардан ташқари). Мазкур тартиб 1993 йилнинг 22 ноябридан жорий этилсин.

5. Илгари белгиланган тартибга мувофиқ қиймати 25 минг рублдан юқори бўлган товарларнинг ҳаммаси савдо тармоқлари орқали Ўзбекистон Республикасида фақат унинг фуқароларига берилган ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқларига кўра пул ўтказиш йўли билан, паспорт кўрсатилган ва паспортга берилган иловада белги • мавжуд бўлган тақдирда сотилади.

6. Паспортга илованинг шакли ва у ҳақдаги Низом Жамғарма банки, Молия вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитаси томонидан тасдиқлангани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасаларига етказилгани маълумот учун қабул қилинсин.

7. 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги нақд рубль пулларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш тақиқланади.

8. Россия Банкининг 1993 йил нусхасидаги пулларини жисмоний ва юридик шахслар томонидан республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш меъёри 150 минг рубль миқдорида белгилансин. Россия Банкининг 1993 йил нусхадаги пулларининг белгиланган меъёрдан ортиқча миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаларига биноан олиб чиқиб кетилади.

9. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки «Сўм-Купонлар»ни Россиянинг 1993 йил нусхасидаги рублларига 1:1 нисбатида ва эркин муомаладаги валютага мавжуд курс бўйича алмаштириб берадиган махсус пунктлар очсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси республиканинг бутун ҳудудида такомиллаштирилган шаклдаги № 1-торг бланки бўйича ойлик статистика ҳисоботини жорий этиб, унга қуйидаги графалар қўшилишини ҳисобга олсин:

«Сўм-Купонлар» бўйича оборот;

товарларни меъёрланган миқдорда бериш бўйича оборот.

11. «Сўм-Купонлар»ни муомалага чиқариш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш, бериш ва сақлаш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ишлаб чиққан Муваққат низом тасдиқлансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг раислари, савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига «Сўм-Купонлар» билан рубль баравар муомалада бўлишига оид тасдиқланган тартибни сўзсиз бажариш, шунингдек мазкур қарор талабларига мувофиқ товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуи ҳудудларда таъминланиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда Жамғарма банки ва тижорат банкларининг муассасалари билан, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда иш ҳақи ва бошқа даромадларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк муассасалари орқали бериб бориш тажрибасини кенгайтиришга доир қўшимча ишларни амалга оширсинлар.

14. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви, савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари майда улгуржи савдо тарқасида ноозиқ-овқат товарларини чакана савдо тармоқларидан корхоналар ва ташкилотларга сотишни тўхтатсинлар.

Бозор фондидаги озиқ-овқат маҳсулотларини фақат болалар муассасаларига, шифохоналар, даволаш-профилактика муассасаларига, дам олиш уйларига, кексаларнинг интернатларига, ногиронлар учун мўлжалланган уйларга, ўқув муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий-маданий муассасаларга сотилсин.

15. Ушбу қарор рўёбга чиқарилишини таъминловчи республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

Республика комиссиясига илгари қабул қилинган норматив ҳужжатларни бир ҳафта муддат ичида мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтириш топширилсин.

16. Ушбу қарор қандай бажарилаётганини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўртоқ А. Муталов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 ноябрь.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 12 НОЯБРДАГИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига фақат «Сўм-Купонлар»га сотиладиган қиймати 25 минг сўмгача бўлган халқ истеъмол молларининг рўйхати*

1. Нон ва нон-булка маҳсулотлари
2. Ун
3. Ўсимлик ёғи
4. Чой
5. Қанд-шакар
6. Гўшт ва гўшт консервалари
7. Кир совун
8. Умумий овқатланиш

* Қарорнинг 3-бандига мувофиқ, «Сўм-Купонлар» билан бир қаторда ҳақ тўлаш учун СССР Давлат банки ва Россия Банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 рубль бўлган 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги қоғоз пуллари ҳамда 1993 йилда чиқарилган барча қийматлардаги қоғоз пуллар ҳам қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 декабригача унни аҳолига 1993 йилнинг 15 ноябригача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойишнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб ун ва нон учун янги чакана нархлар белгилашга қарор қилди. Уннинг нархи ўрта ҳисобда 150 сўм, бир килограмм ноннинг нархи ўрта ҳисобда 120 сўм бўлади.

Бу тадбир кўп қисми собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари ва чет элдан келтирилаётган озиқ-овқат учун ишлатиладиган ғалланинг нархи ҳамда уни қайта ишлашга сарфланаётган ҳаражатларнинг тобора ошиб бораётгани туфайли амалга оширилмоқда.

Масалан, республика ташқарисидан жаҳон нархлари бўйича келтирилаётган бир килограмм ғалла давлатга 156 сўмга, бир килограмм ун эса 200 сўмга тушмоқда.

Шунинг учун ун ва нонга белгиланган янги чакана нархлар амалга кирганидан кейин ҳам давлат бюджетидан ойига 4,5 миллиард сўм дотация ажратиш кўзда тутилган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, МДҲ мамлакатларининг деярли барчасида ун ва ноннинг чакана нархи республикамизда белгиланаётган янги нархлардан анча баланд. Буни қуйидаги жадвалда кўришингиз мумкин:

(бир килограммига сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Душанбе	Минск	Санкт-Петербург	Кишинев	Алмати	Бишкек
Ун	150	320	360	900	560	710	750	—
Нон	120	450	235	—	265	530	—	135

ФАХРИЙЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ УЮШМАСИ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг пленуми бўлди. Унда кенгашнинг шу йилги иш якунлари ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг нутқ ва рисолаларида, шунингдек, «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида ўртага қўйилган вазифалар асосида фахрийлар ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш масалалари муҳокама этилди. Кенгаш раиси Б. Раҳимов шу ҳақда маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ✲ ФАКТЛАР ✲ ВОКЕАЛАР

МАҚСАД — ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШЛАШ

ТОШКЕНТ. Меъморлар уюшмасида «Тарихий, йирик ва майда шаҳарларда ҳозирги замон қурилиши» мавзуида иккинчи халқаро кўрик-танлов очилди.

БУНДАЙ тадбир Тошкентда биринчи марта ўтказилаяпти. Унда Арманистон, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина, Тожикистон ва Ўзбекистон меъморларининг энг сара лойиҳалари намойиш этилаяпти. Мақсад — меъморчилик мактаблари ўртасидаги ижодий алоқаларни сақлаб қолиш, шаҳар қурилиши муаммоларини ҳал этишда тажриба алмашишни давом эттиришдир.

Наманган вилоятининг Косонсой шойи тўқиш фабрикасида 3500 киши меҳнат қилади. Бу ерда 40 га яқин турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш илғори О. Ирисалиева.

ИККИ ТОМОНДАН ДАРОМАД

АСАКА. Автобус-таксимотор паркида тўқув цехи ишга тушди.

ШАҲАР ҳунар-техника билим юртини тамомлаган 30 нафар чевар қўлидан чиқаётган свитер, иссиқ бош кийимлари парк ходимларига ҳам аҳолига ҳам маъқул тушди.

Ҳозир автокорхона маъмурияти тикувчилик цехи ва автомотоҳаваскорларга пулли хизмат кўрсатиш пунктини очишни мўлжаллаяпти.

МУЛКНИНГ ЭГАСИ БУЛГАНИ ЯХШИ-ДА

САМАРҚАНД. Хусусийлаштириш жараёнини бошқаришга бағишланган халқаро семинар ниҳоясига етди.

АНЖУМАНДА Англия, АҚШ, Олмония, Польша, Туркия, Чехия, Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган мутахассис ва экспертлар иштирок этишди. Улар хусусийлаштириш жараёнини бошқаришдаги асосий йўналишлар, босқичлар, қоидалар хусусида фикрлашдилар. Турли мулк шаклларининг вужудга келиши, бозор иқтисоди шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини муҳокама қилишди.

КОРХОНА ИЧИДА КОРХОНА

НАВОИЙ. Цемент заводи жамоаси йилига 110 миллион дона шифер ишлаб чиқарадиган корхона қураяпти.

ҲОЗИР корхона омборларида 70 минг тоннадан зиёд цемент тўпланиб қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, республика ҳудудида шиферга эҳтиёж катта. Корхона маҳсулот бера бошласа омборларда цемент тўпланиб қолиши ҳам барҳам топаркан.

УЙ БЕКАЛАРИ ХУРСАНД

МУБОРАК. Шўртан газни қайта ишлаш корхоналарида суюлтирилган газни баллонларга қуйиш цехи фойдаланишга топширилди.

ҲАР иккала корхонада ўрнатилган ярим автомат линиялар кунига 50 тонна газни идишларга жойлаб Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари қишлоқларига жўнатаяпти. Иш шу маромда давом этса, фақат Қашқадарёликлар йилига 4,5 миллион дона газли баллон олишади. Илгари бу газ Россиядан келтирилларди.

ОВОРАГАРЧИЛИК ВАРҲАМ ТОПАДИ

ЧИРЧИҚ ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида мураккаб асбоб-ускуналарни йўнувчи ва чархловчи ҳамда турли қаттиқдаги пармалаш ва йўниш дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи технологик турнум маҳсулот бера бошлади. Илгари бундай ускуналар, четдан келтирилар, улар хорижда чархланарди. Энди бундай оворагарчиликлар барҳам топди.

СУРАТДА: технолог С. Киселев билан уста З. Ўринбоев чархланган асбобларни кўздан кечиришаяпти.

ВОКЕАЛАР

• *Ишбилармонлар, имкониятни бой берманг*

МАЪҚУЛИНИ ХАРИД ҚИЛАСИЗ

ТУРКИЯ ФИРМАЛАРИНИНГ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ПАВИЛЬОНИДАГИ КЎРГАЗМАСИДАН РЕПОРТАЖ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» павильони одамлар билан гавжум. Қаҳрамон Дадаев бошлиқ санъаткорлар гоҳ ўзбекча, гоҳ туркча қўшиқлардан хонаки қилишмоқда.

Соат миллари ўн бирга яқинлашганда ичкаридан Туркия савдо-саноат фирмалари, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва элчихона вакиллари кўргазмага ташриф буюрганлар ҳузурига чиқишди. «Имбад» фирмаси президенти, кўргазма ташкилотчиси Исмоил Шариф Сумар кўргазмани очиб, Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлиги кундан-кунга ривож топаётгани хусусида тўхталди.

— Бу сўнгги бир ярим йил ичида уюштирилган учинчи кўргазма, — деди Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Вулқон Чўтур. — Мақсад ҳар икки томон ишбилармонларини бир-бирлари билан топишиб, ҳамкорликни йўлга қўйишларини тезлатишдир. Бу ерда 40 дан зиёд фирма ўз маҳсулотларини намойиш этади. Уларнинг вакиллари олди-сотди қилиш, қўшма корхоналар очиш, технологиялар харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ваколатига ҳам эгалар.

Кўргазма залларини айланамиз. «Симтел» фирмаси корхоналарида тайёрланган электрон пул кассалари, рангли телевизорлар, сув иситиш ускуналари, «Сусихам» фирмасининг ранго-ранг жилоланаётган қандиллари томошабинларни ром этди.

Бир зумда бутун зал бўйлаб ҳушбўй ҳид таралди.

— Буёққа қаранглар, ғаройиб мўъжизани кўрасизлар, — деди «Экмаксан» фирмаси директори Махмед Эрдинж. У тўгмачани босган ҳам эдики, шкафсимон темир қути ичидан махсус аравачага тахланган иссиқ нон чиқиб келди.

— 20 дақиқа бурун қўйгандик. — қўшиб қўйди у. Иссиқ нон бир зумда хизматчию томошабинларга улашилди. Яна ярим соатдан сўнг печеньелар тайёр бўлишини айтишди.

Фурсатдан фойдаланиб фирма директорини суҳбатга тортдик.

— Корхонамиз 1980 йилда Бурса шаҳрида ташкил этилган, — дейди Махмед Эрдинж. — Асосан кичик ҳажмдаги нон заводлари учун ускуналар ишлаб чиқаради. Унни элашу сув иситишдан тортиб то нон пишгунгача бўлган жараённи автоматлар бошқаради. Линия 150 кило ундан бир соатда 19 хил нон маҳсулотлари пиширишга мўлжалланган. Ҳозир Англия, Олмония, АҚШ, Россия, Миср, Голландия сингари ривожланган мамлакатлардан 33 таси ускуналаримизни харид қилишаяпти. Улардан бирортасининг ускунамиздан шикоят қилганини эслай олмайман.

Фирмамиз Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг, республика дон маҳсулотлари концерни билан ҳамкорлик қила бошлади. Уларга 53 та ана шундай кичик завод сотдик. Айтишларига қараганда, уларнинг 20 таси вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ўрнатилибди. Агар ҳаммаси ўрнатилса, Ўзбекистонда нон пиширишга 125—130 тоннага кўпаяди.

«АЕГ ЕТИ» фирмаси ҳам мамлакатдаги энг йирик корхоналардан. Унинг Анқара, Истамбул, Измир, Адана шаҳарларида бўлимлари ишлаб турибди. Корхона, асосан, электрстанциялари учун тақсимловчи трансформаторлар тайёрлайди. 70 дан зиёд мамлакат ана шу ускуналарни буюртма йўли билан олаяпти.

Анқарадаги «Оселсан» электроника заводи вакиллари намойиш этаётган овоз узатгичлар мутахассисларнинг эътиборини тортди. Завод вакили Бирол Ўғузнинг айтишига қараганда, Европа, Америка мамлакатлари ана шу корхона маҳсулотидан фойдаланишаркан.

«Суперкаучек» фирмасининг автомобиллар аккумуляторлари, амортизаторлари, мой ва ҳаво фильтрлари, комбайн деталлари, «Отосар» фирмасининг Ҳиндистондаги корхоналарида йиғилган мотоцикл, кир ювиш машиналари, Руминиядаги қўшма корхонасида тайёрланган кичик ҳажмдаги юк машинаси зора Ўзбекистон ишбилармонларининг диққатини тортса.

Қанийди кам ёнилғи сарфлайдиган бундай кичик юк машинаси бизда ҳам пайдо бўлса. Ахир бу қишлоқда меҳнат қилаётган ҳар бир фермернинг орзуси-ку.

Умуман, кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир техника ва технология шу кунниинг талабига жавоб берадиган янгиликдир.

И. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Хусусийлаштириш—амалда

ФОЙДА СЕЗИЛАРЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

«Шарқ» пойабзал бирлашмаси икки йил муқаддам Наманган вилоятида биринчилардан бўлиб давлат корхонаси мақомини ҳиссадорлар уюшмаси мақомига алмаштирган эди. Вақт бу иш тўғри қилинганини кўрсатди. Иқтисодий жиҳатдан яхши ҳисобланган ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми тўрт баравар, меҳнат унумдорлиги эса 13 баравар ошди, иш ҳақи 5,5 баравар кўпайди.

— Хусусийлаштириш вилоятнинг ҳамма жойида ҳам шундай натижа беряптими?

— Умуман, белгиланган топшириқларнинг ҳаммасини уддалаяпмиз, — дейди мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш вилоят ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Б. Иномов. — Уй-жойни хусусийлаштириш деярлик поёнига етди, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, «Вилоятматлуботтайёрловсавдо» идорасида эса тугатилди. «Намангансавдо», «Намангансаноат» концернларида хусусийлаштириш жараёни қизғин олиб борилмоқда. Вилоят матлубот кооперацияси тизимида аҳвол унчалик яхши эмас.

Бир қарашда хусусийлаштирир суръатлари ёмонга ўхшамайди. Лекин, бундан хотиржамликка берилмаслик керак. Бирон-бир жойга эгалик ваколати олинганидан кейин бир ой муддат ичида рўйхатдан ўтказиш керак. Шундан кейингина корхона ёки магазин юридик ҳуқуққа эга бўлади. Молия ташкилотлари эса, унинг фаолиятини назорат остига олади. Аммо, истиқболни белгилаш ва статистика вилоят бош бошқармаси берган маълумотларга қараганда, ҳужжатларни қайта расмийлаштириш ишлари жуда ёмон аҳволда, хусусийлаштирилиб, юридик мақом олган корхоналар амалда анча кам. Хусусийлаштириш охирига етказилган деб ҳисобланаётган ўша маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси бўйича атиги 25 фоиз объект қайта рўйхатдан ўтказилган. Вилоят матлубот уюшмасида бу кўрсаткич атиги бир неча фоизни, «Вилоятматлуботтайёрловсавдо» ташкилотида бундан ҳам кам — бир фоизни ташкил этади. Бу «пойга»да Наманган тумани биринчи ўринда — хусусийлаштирилган 167 объектдан биттасигина юридик мақом олган.

Б. Иномовнинг сўзларига қараганда, яна бир жиҳат хусусийлаштириш суръатларини бир мунча сусайтирмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 июндаги қарори чиқиши муносабати билан асосий фондларнинг қиймати бир неча баравар ошди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг яна бир қарорида асосан аҳолига ҳар хил хизматлар кўрсатишга мўлжалланган объектларни давлат тасарруфидан чиқаришда маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» давлат концерни корхоналарига қўшимча имтиёзлар белгиланган. Шу туфайли сотиб олинган объектлар баҳоси унинг янги эгалари ҳамёнига унчалар кўп зарар келтирмайди. Лекин, афсуски, имтиёз берилган ўша корхоналар рўйхатида аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа объектлар, масалан, ҳаммом, дорихона, меҳмонхона, чойхона, тегирмонлар кўрсатилмаган. Уларни хусусий мулк қилиб олмоқчи бўлганларни объектларнинг янги, баҳолари чўчитиб турибди. Шу боисдан, имтиёзлар бериладиган объектлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бироқ, корхонани сотиб олишнинг ўзи камлик қилади. Кўп нарса мулкчилик шаклининг танланишига боғлиқ. Ана шунда Наманган умумий овқатланиш трестида бўлганидек ҳолат рўй бермайди. Трест ходимлари мулкчиликнинг жамоа шаклини танлаб олиб, ўз имкониятларини анча торайтириб қўйдилар. Трест тасарруфидаги ресторан, қаҳвахона ва ошхоналар мулкчиликнинг хусусий ёки ҳиссадорлик шаклини танланганларида ўз имкониятларини тўлароқ намоён қилган бўлур эдилар. Трест фаолиятида, афсуски, рақобатлашиш ғояси кўзда тутилмаган. Шу боисдан ҳамма нарса эскилигича қолган — мижозларга сифатли хизмат кўрсатишдан манфаатдорлик йўқ. Хуллас, хусусийлаштириш анчагина масалаларни кўндаланг қўймоқда. Фойда сезиларли бўлиши учун бу масалаларни пайсалга солмай ҳал этиш лозим. Ана шунда «Шарқ» пойабзал бирлашмаси сингари саралаб ютуқларга эришиш мумкин.

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

Истиқлол одимлари

УМИДЛАР РИШТАСИ ТУТАШГАН ЖОЙДА

РЕПОРТАЖ

...Куз қуёши ёторидан бош кўтариб, самода сузи бошлаганидан буён чамаси ярим соатча вақт ўтди. Хонқа туманидаги Ал Хоразмий номли давлат хўжалиги шолизорлари ёқасидаги энсизгина йўл муюлишидан лоп этиб чиққан мотоцикл чеккада тўхтаб, машинамизга йўл бўшатди. Давлат хўжалиги директори Машариф Собировнинг ишорасига биноан бизнинг машинамиз ҳам унинг ёнида тўхтади...

— Намунча кеч? Комбайин ишкал топмадими ишқилиб? — мотоциклчини сўроққа тута кетди директор.

— Ишкал йўқ. Аммо Комилжоннинг шолиси биз ўйлагандан кўпроқ чиқди. Кеч қолсакда тугаллаб қайтяпмиз...

Йигит мотоциклини ўт олдириб жўнади. Машинамиз ҳам олға елди. Сирасини айтсак, директор билан мотоциклчи йигит ўртасида ҳозиргина бўлиб ўтган савол-жавобдан ҳайрон бўлдик. «Одамлар ишга эндигина отланаётган бўлишсаю директор бу йигитдан «Нега кеч келяпсан, деб сўрагани нимаси?» Тавжуқубимиз ошганини сезди шекилли, изоҳга оғиз жуфтлади:

— Ўрим-йиғим туну-кун давом этаяпти. Ҳалиги йигитимиз — комбайнчи, тунги сменадан қайтаяпти. Ишларимиз кечга тортаяпти. Тўғрисини айтсам, гектарига 40 — 42 центнердан тўғри келаров, деб ўйлагандик. Йўқ. Хато йўлаган эканмиз, 52—53 центнердан олаяпмиз. Бу эса йиғимни 4 — 5 кунга бўлса-да орқага чўзаяпти...

Дала кезиб, маълумотлар билан обдан танишган киши хўжаликнинг бу йилги улкан хирмони нақдлигига имон келтиради. Аммо, ўрим-йиғим ҳам ортиқча пайсалга солинаётгани йўқ. Мавжуд майдондаги шолини ўриш, янчиш ва давлатга топшириш суръатлари ўтган йилгидан юқори. Бироқ, директор безовталигининг сабаби бошқа. Шоличиликда ҳам пахтачиликдаги янглиғ ютуқларга тезроқ эришилса, дейди. Дарвоқе, вилоятдаги ана шу энг йирик ва пешқадам шоличилик хўжалиги ҳозир пахтачилик жабҳасида ҳам дадил интиляпти. Бу йилги ютуқларнинг эса салмоғи ўзгача. Аввалларі шоли ўстирилган 1100 гектар майдондаги ғўза чунонам ҳосил бердики, пировардида белгиланган режа 135 фоизга етди, ҳосилдорлик эса 33 центнерни ташкил этди.

— Хотирингиз жам бўлсин, директор. Шоли мўл. Режани икки ҳисса бажаришга ҳам бемалол етади, — тантанавор оҳангда деди бизни Комилжон Очиловга биркитилган катта дала чеккасида кутиб олган бригада бошлиғи Аминбой Султонов, — ҳозиргача ўриб-йиғилган далаларнинг ҳар гектари 55 центнердан ҳосил берди. Ўтган йили 40 центнердан аранг оширувдик.

Бригадирнинг ён дафтарчасига биз мухбирларга керакли факт ва рақамлар битилган. Унда қайд этилишича, бу йил жами 191 гектар майдонда шоли ўстирилибди. Олинган ҳосил 1100 тонна. Нафақат бригада, балки, рўйхатдаги 70 пудратчининг бари мажбуриятини уддалаган. Ялпи сармоя — 121 миллион сўм. Унинг 60 — 65 фоизи иш ҳақига тақсимланади. Демак, ҳар бир пудратчи ўртача 1 миллион сўм сармоянинг соҳиби бўлади.

...Бригада шоликорлари эрталабки чойга тўпланишган. Чеҳраларида ҳорғинлик, уйқусизлик аломати кезсада, маҳзунлик нишоналарини сезмайсиз. Барининг кайфияти жойида, гўёки ҳазил-мутойиба мавриди.

— Ҳашарчилар, — нонушта қилаётганларга ишора қилиб дейди бригадир, — комбайн кимнинг даласига келса, ён-атрофдаги қўшнилар кўмакка отланишади. Бугун тунда Комилжоннинг даласидаги ҳосилни йиғишди. Энди навбат Қурбонбой аканикига.

Ҳосилни йиғиб, ташвишдан қутулган Комилжон Очиловга ҳорманг деб, хирмон салмоғини сўраймиз.

— Давлатга топширилгани 18 тонна, оиламизга ҳам анчаси қолди, — дейди у қониқиш билан.

— Ҳосилдорликчи?

— Жами шоли 20 — 21 тоннадан кам эмас. Демак, гектарига 70 центнер.

— Даромадни сир тутмаяпсизми?

— Нега сир бўлар экан? Сарф-харажатларни чиқариб ташласа, 1,5 миллион сўмдан ортса керак.

Комилжоннинг сармояси — меҳнатига яраша бериладиган мукофот. Яқин ўтмишда, бу янглиғ меҳнату ҳосил учун деҳқонни арзимасгина иш ҳақи билан «сийлашар»ди. Энди эса рағбат— деҳқонни меҳнатга, курашга, юксак пировард натижага етаклаётган қудратли омил.

Дилимизда эҳтирос туйғулари тўлқинланади. Директорга илмоқли савол билан мурожаат қиламиз:

— Бундан чиқди, шоликорнинг чўнтаги миллионларга, эл қозони паловга тўлар экан-да?

— Бўлмасамчи, — баралла овоз билан дейди Машариф ака, — биргина бизнинг хўжалигимизда етиштирилган ҳосил бутун Хоразмнинг салкам ярмини гуруч билан таъминлашга етиб ортади.

— Ўх-ҳу! Бу қанча бўлади?

— 2552 гектар шоли майдонимиз бор, — жавобни анча узоқдан бошлайди директор, — бугунгача 2300 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олдик. Ўртача 46—47 центнерданга тўғри келяпти. Жами 20 минг тоннага яқин ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллаяпмиз. Давлатга сотиладигани эса 10 минг 200 тонна. Давлатга топширилган ҳосилнинг 20 фоизини, режадагидан зиёд шолининг эса барини шартномавий ва келишилган нархларда сотишимиз ёки хўжалик жамғармасида қолдиришимиз мумкин. Биргина шоличиликдан жами 1,5 миллиард сўм, пахтачиликдан эса 1 миллиард 200 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз.

Элини, юртини ўйлаб ишлаганнинг ризқи бутун бўлади дейишади. Бу ибратли нақл Ал Хоразмий номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари фаолиятида тўла исботини топган.

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Обуна давом этмоқда*

КАРТОШКА ВА ...ГАЗЕТА КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Тошкент почтамти жамоаси аъзолари ўзгаларнинг газета-журналларини уйларига вақтида етказиб беришдан ташқари ўзлари ҳам кундалик нашрларни манфаатдорлик билан ўқиб боришади.

Корхона маъмурияти ходимларни ижтимоий муҳофазалашга жиддий эътибор бераётир. Олинаётган фойда ҳисобидан байрамларда мукофот ҳамда қишлик озиқ-овқатни ғамлаб олишлари учун ёрдам пули ажратилади. Бу йил ҳам раҳбарият билан касаба уюшмаси қўмитаси келишиб, ҳар бир хизматчига 25 минг сўмдан картошка пули ажратди. Бундан ташқари корхона бошлиғи Собир Ҳотамов октябрь ойидаёқ ходимларнинг у ёки бу газета-журналга обуна бўлиш учун тўлаган пулларини корхона ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккан эди. Шундан сўнг 2200 киши ўзлари ёқтирган нашрларга, жумладан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна бўлди.

Тошкент почтамти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг бу ташаббусини бошқа жамоаларнинг маъмуриятлари ҳам қўллаб-қувватласалар, зарар кўришмасди.

А. КУДИНОВ.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

Бензин, солярка ва бошқа нефть маҳсулотлари тўғрисида...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ Г. ДУРНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Геннадий Григорьевич, Давлат назорат комитети нефть маҳсулотларидан фойдаланишни қаттиқ назорат қилишга киришди. Бунга нима мажбур қилмоқда?

— Нефть ва газ конденсати асосан четдан келтирилади. Ўзбекистон нефть маҳсулотларини юқори нархларда харид қилади. Истеъмолчиларга эса, бу маҳсулотлар бир ярим баравар арзонга сотилади. Иқтисодий барқарорликни сақлаш учун нархлардаги фарқ бюджетдан қопланади.

Бироқ, нефть маҳсулотлари нисбатан арзон бўлса ҳам, бу маҳсулотларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини ҳамма тушунавермайди. Комитетимизга ёнилғи-мойлаш материалларидан қай даражада самарали фойдаланилаётганини текшириш вазифаси юклатилган. Ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, прокуратура, «Ўздавлатнефтгаз н а з о рат», «Ўздавлатнефтьмаҳсулот» органлари ходимлари биз билан бирга иш олиб бормоқдалар.

— Энг аввало нимага эътибор берилмоқда?

— Техника, ёнилғи қуйиш шохобчалари, омборлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сифатига эътибор бермоқдамиз. Июль ойида иш бошлаб, ҳозиргача минглаб корхона ва хўжаликларни текшириб чиқдик.

Энг асосий, кенг тарқалган нуқсон — ҳисоб-китобнинг йўқлигидир. Бу нуқсон Жиззах, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятларида фош этилди. Бу ҳолнинг асосий сабаби қурилиш ва қишлоқ хўжалиги механизмларида ҳисобловчи мослама, мотосоатларнинг йўқлигидадир. Иш ҳажми чамалаб белгиланади. Масалан, Андижон вилояти Бўз туманининг «Гулистон», Пахтаобод туманининг «Андижон», «Гулистон» жамоа хўжаликларида тракторларнинг ярмидан кўпи аккумуляторсиз бўлиб, кун бўйи моторлари ўчирилмас экан;

Кенг тарқалган нуқсонлардан яна бири нефть омборлари ва ёнилғи қуйиш ускуналарининг техник ҳолати билан боғлиқ. Чунончи, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ёнилғи қуядиган тармоқлардан фойдаланилмайди, ёнилғи-мойлаш материаллари пақирлаб берилади. Шу вилоятнинг А. Кўчкинов ҳамда К. Маркс номидаги жамоа хўжаликларида нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарлар ҳаво кирмайдиган қилиб бўркитилмаган, ҳовур чиқадиган қопқоқ билан таъминланмаган. Нефть омборларининг ярмидан кўпи умуман ёнилғи-мойлаш материалларини сақлашга мослашмаган.

— Ҳужжатлаштириш текширилганда ҳам қоида бузишлар аниқланган бўлса керак?

— Мана, ҳужжатларни текшириш натижаларидан айримлари: Андижон вилоятида баҳорги ер ҳайдаш учун ажратилган ўнлаб тонна дизел ёнилғисидан кўз-қиш мавсумида иссиқхоналар, маъмурий биноларни иситишда фойдаланилган: Хоразм вилояти агросаноат мажмуи хўжаликларида сунни тортиб берунчи икки мингдан ортиқ насос дизел ёнилғисида ишлаган. Аслида эса, бу ишда электр энергиясидан фойдаланиш лозим эди.

Асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳоллари ҳам аниқланди. Масалан, Бухоро вилоятида текшириб кўрилган 30 хўжаликнинг ҳар бирида автотрактор мойи ўзбошимчалик билан ҳисобдан чиқариб ташланган. Вилоят қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ташкилотининг бир корхонасида 37 тоннадан ортиқ ёнилғи ҳисобдан чиқарилган.

Самарали ҳисоб-китобнинг йўқлиги талон-торожиларга қўл келмоқда. Жиззах вилоятида механик К. Елтохон 6 тонна бензинни ўзлаштириб юборган. Сурхондарё нефть базаси мудири Р. Норматов ҳужжатда кўрсатилгани бўйича, 1,8 тонна бензинни Қумқўрғон туманидаги 1-кўчма механизацнялашган колоннадан ҳар литрини 35 сўмдан сотиб олган. Ана шу бензин ортилган машинани божхона ходимлари Тожикистонга ўтаётганда тўхтатиб қолдилар.

Текширув жараёнида гўё кишини хурсанд қиладиган далилларни ҳам учратдик: Масалан, «Тошкентқурилишмеханизацион» трестининг 1-механизация бошқармаси 66 минг тонна бензин ва дизел ёнилғисини тежаб қолибди. Лекин, маълум бўлишича бундай тежамкорликка иш ҳажмларига қўшиб ёзиш орқали эришилган экан. «Ўзгўштсутмаҳсустранс» деҳқончилик-саноат бирлашмасининг ўртаовулдаги автобазасини текширганимизда олтита автомашина 13 минг километрдан ортиқ йўл босган, бунинг учун гўё бензин ва суюлтирилган газ сарфланган, деб ёзилган эди.

— Қўшиб ёзиш — аски иллат...

— Иллат бўлганда ҳам, кенг тарқалган иллат. Бажарилмаган иш ҳажмларигина қўшиб ёзилмайди. Эҳтиёжлар ҳам ошириб юборилади. Тошкент вилоятининг текширилган кўпгина хўжаликларида мана бундай манзарани кўрдик: «Чиноз» наслчилик давлат хўжалиги техникумида мавжуд 56 транспортнинг ярми ишламай турибди, аммо ҳамма машиналар учун нефть маҳсулотларига талабнома берилган. «Паркентсувқурилиш» трестида тепловоз юргизилмаса ҳам, ҳар йили талабнома бўйича тонна-тоннаб ҳам дизел ёнилғиси, ҳам мой олинган.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйган «ибдорлар жазоланди, бир қанча ҳолларда эса материаллар тергов органларига топширилди.

— Геннадий Григорьевич, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамли фойдаланилмаётгани аён бўлиб турибди. Хўш, меъёрларга риоя қилиб, ортиқча сарфларнинг олдини олса бўлмайдими?

— Кейинги пайтда ҳеч ким меъёрлардан амалда фойдаланмай қўйган экан. Икки йил муқаддам меъёрлаш ва статистика ҳисоботи бекор қилинган. Текшириш жараёнида бунинг оқибати кўриниб қолди. Шу ўтган икки йил мобайнида меъёрлардан мўлжал сифатида ички ишлардагина фойдаланилган.

Шубҳа йўққи, ёнилғи эркин бозор нархларида сотилиши муносабати билан уни қандай сарфлаш корхона ва хўжаликларнинг ички ишига айланади. Лекин ҳозирги шароитда нефть маҳсулотларининг келтирилиши, уларни сарфлаш бўйича меъёр ва қатъий давлат назорати ўрнатмаса бўлмайди. Бу масала Вазирлар Маҳкамасининг ёнилғи-энергетика комиссияси мажлисида ижобий ҳал этилди. Биз текширишларимиз натижаларидан ҳар ойда шу комиссияни хабардор қилиб турамиз. Октябрь ойидан эътиборан республикада эски меъёрлар асосида статистика ҳисоботи жорий қилинди. Шу билан бирга, янги меъёрларни ишлаб чиқишга киришилди. У ресурсларни тежашдан одамларнинг манфаатдорлигини оширади.

— Илмий асосланган меъёрлар нефть маҳсулотлари ҳисоб-китоби ва улардан фойдаланишдаги камчиликларни бартараф эта оладими?

— Ҳам биринчи навбатда, ҳам истиқболда амалга ошириладиган тадбирлар дастури белгиланган. Бу дастурга биноан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Халқ хўжалиги тармоқларига нефть маҳсулотлари келтирилиши, улардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Ёнилғи-мойлаш материалларини ҳар қанақанги талон-торож қилиш, уларнинг таркиби бузилишига йўл қўйиш ҳолларига қарши қатъий чоралар кўрилади. Автомобиль транспортида табиий газдан кенг фойдаланиш, транспорт қатновини тўғри ташкил этиш чоралари белгиланади. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг барча хўжаликларига қисқа муддат ичида автомобилларга бензин қуйиш станцияларини мустаҳкам тўсиқлар билан ўраш таклиф қилинди. Бошқа бензин қуйиш станциялари ва нефть базалари учун ҳам ёнилғи-мойлаш материалларини эҳтиёт қилиб сақлаш чоратадбирлари ишлаб чиқилди. Бу хусусда кейинги икки-уч ой ичида анчагина ишлар қилинди.

Йил охиригача ёнилғи ва мой тарқатадиган шохобчалар, бошқарув пультлари, қулфланадиган аппаратура ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шунингдек, ишлатилган нефть маҳсулотларини йиғиб, уларни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилади.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзА мухбири.

Бобур таваллудининг 510 йиллигига

АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Абдулла Қодирий номидаги маданият олийгоҳида, буюк аллома, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда шоир Қамчибек Кенжа сўзга чиқиб, Бобур халқаро хайрия жамғармаси қошида таниқли этилган Бобур илмий экспедициясининг фаолияти, жумладан ўлуғ боболмизнинг адабий мероси барча хорижий мамлакатларда ҳам қадрланажаги ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Навоий номидаги марказий кутубхона директори Баҳодир Валиев Бобурнинг серқирра ижоди, унинг унутилмас асарлари, олийгоҳнинг катта ўқитувчиси Абдурашид Яхшимуродов шоирнинг ижодий фаолияти, унинг мамлакат фаровонлиги йўлида кўрсатган хизматлари, дунё мўъжизаси — Тожмаҳал мақбарасининг айни чоғда тутган ўрни ҳақида сўзладилар.

Г. ПРИМОВ.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ҚИЗИЛҚУМНИНГ БАҒРИ КЕНГ

Биз бағри сахий заминда яшаймиз. Бу билан фахрланамиз. Ғурурланишга ҳақимиз ҳам бор. Бундан ўттиз йил бурун атоқли шоиримиз Абдулла Орипов шундай ёзган эди:

«Юртим сени фақат бойликларинг-чун,
Севган фарзанд бўлса кечирма асло».

Тупроғи тилло заминимизга фақат бойликлари учун «меҳр» қўйганлар кўп бўлди. Тупроғимизни топтаганлар ундан ҳам кўп эди. Етмиш йил мобайнида юртимиздан ташиб кетилган бойликларнинг аниқ ҳисобини чиқариш қийин.

Аслида ўзимиз табиатан жуда сахиймиз. Тупроғимиз ундан-да сахий.

Узоқ йиллар «Қизил» салтанатнинг бебаҳо ва беминнат хазинаси — Қизилқум энди биз учун ҳам мурувватини дариғ тутмади. Ўтган йили Қизилқумда фосфарит кони топилди. Бундан мухолифларимиз куюнди, дўстларимиз суюнди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланган фосфарит илгари республикамизга Қозоғистоннинг Қоратов конидан қанча-қанча харажатлар эвазига ташиб келтирилар эди.

Давлатимиз раҳбарлари вақтни бой бермай, ишга киришдилар. Қизилқумда йирик фосфарит заводи қурилиши бошлаб юборилди. Бу ҳақда биз ҳам кўп қатори ўз газетамизда хабар бердик. Юртбошимиз Ўзбекистон Олий Кенгашининг кейинги сессиясида ҳам Қизилқум фосфарит заводи қурилишини алоҳида тилга олиб ўтди.

Айни пайтда завод қурилиши суръати кун сайин ошиб бормоқда. Корҳонани барпо этишда Ўзбекистон уй-жой қурилиш саноати корпорацияси алоҳида намуна кўрсатмоқда. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра корхонанинг биринчи навбатини 1995 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Илк марта бу ерга қадам ранжида қилган киши тап-тақир чўлда завод қуриладими, деган хаёлга бориши табиий. Бир вақтлар Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод каби шаҳарлар ҳам қум дарё бўлиб «оқиб» ётган жойларда бунёд этилганини эндиликда кўпчилик билади. Дарвоқе, мана шу чўл бағрида дунёни ҳайратга солган шаҳарсозлар истиқомат қилишини ёддан чиқармайлик.

Завод бунёд этилаётган жойда вагон уйчалар сони тобора кўпаймоқда. Энергетиклар эса аллақачон электр энергиясининг муваққат линияларини ўрнатдилар. «Ўзбекалоқаинвест» жамоаси алоқа воситаларини ўрнатишни тугаллади. Шу кунларда «Ўзтрансстрой» ташкилоти 45 километр масофага «пўлат из» ётқизиш ташвиши билан банд.

Қурувчилар комбинат қурилаётган жойдан 40 километр узоқликда кончилар посёлкасини тиклашмоқда. Яқин келажакда бу посёлкада 10 минг киши истиқомат қила бошлайди. Табиийки, посёлкада бир пайтнинг ўзида болалар боғчалари, мактаблар, савдо дўконлари қад ростламоқда.

Мустақил Ўзбекистон заминида яна бир коң топилди. Хадемай, давлат харитасига яна бир шаҳар белгиси қўйилса ажабмас.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қадриятларимиз

Ўзбекистонда қарор топа бошлаган ижтимоий адолат, тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, бой ва қўҳна маданий меросимизга муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Йўқ! Бу муболаға эмас. Бу айни ҳақиқат. Бор йўғи 7—8 йил олдинги аҳвол билан бугунги кунимизни солиштирсак, нўл ўзгаришлар содир этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖ

Мустақил ватанда рўй бераётган ўзгариш, юксалиш, янгиланиш жараёнларидан бири, муборак динимизга бўлган муносабатга бир назар ташлайлиг-а. Қуръони Каримнинг ўзбек тилида нашр этилиши, жаноб пайғамбаримиз, икки олам сарвари Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари халқимизга ўз она тилларида тақдим этилиши, Ислом динининг равнақи йўлида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиб кетган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад Абу исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби зотлар меросини ўрганиш борасида ибратли тадбирлар, анжуманлар ўтказилаётганлиги кишини фақат қувонтиради.

Лекин, илм бу бир умонки, ундан қониб ичган киши, нафақат ўз халқи, балки бутун Ислом оламига бебаҳо асарлар қолдирган, тарихимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломаларнинг ҳаёти ва ижодлари ҳали миллионлаб ўқувчиларимизга, яхши маълум эмас. Уларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ҳар тамонлама ўрганиш, халқ оммасига етказиш олимларимиз зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини тўплаб, тартибга солиб, бутун Ислом оламига етказишда Моваройуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳиссалари бениҳоя катта бўлган. Чунончи ҳадис илмида бу заминнинг фарзандлари машҳур муҳаддислар яратиб кетган шоҳ асарлар (бу асарлар Ислом дунёсида «Кутуби ситта» (Олти китоб) ёки «Сиҳоҳ ситта» (Олти саҳиҳ китоблар) номи билан машҳур. Улар бугунги кунда барча илм аҳли томонидан ҳурмат билан тилга олинади. Жаҳондаги жамики Ислом ўқув юртларида пухта ўқиб ўрганилади. Диёримиздан чиққан буюк аллома имом Бухорийнинг пайғамбаримиз ҳадисларидан жамланган тўрт жилддан иборат «Саҳиҳ ал-Бухорий» ёки «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоби бутун мусулмон оламида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбаъ ҳисобланади. У киши бундай мўътабар асар яратиш билан бирга, ўнлаб илмли, зукко ҳақиқатгўй шогирдлар ҳам тарбиялаганлар. Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож юқорида зикр қилинган машҳур олти муҳаддиснинг бири, имом Бухорийнинг суюкли шогирдидир. У яратган ҳадислар тўплами (ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳ Муслим») энг ишончли манбаълардан ҳисобланади.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг тўлиқ исми Аб-у-л-Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ибн Варад ибн Каршон ал-Қушайрий ан-Найсобурий бўлиб, унинг туғилган йили ҳақида ҳар хил (204 ҳижрий) 819 милодий, (206 ҳ-821 м.), (204 ҳ.-819 м.) саналар келтирилсада, кўпчилик тарихчилар, масалан аз-Заҳабий, ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Ас-Суютий ва бошқалар 204 ҳ-819 м. йил деб ёзганлар, Муслим ибн Ал-Ҳажжожга яқинроқ даврда яшаган араб тарихчиси Ибн Ҳалликон (1211—1282 й.) уни 206 ҳижрий, 821 милодий йилда туғилганлигини таъкидлайди ва бу фикр ҳозирги замон тадқиқотчиларн томонидан қўллаб-қувватланган. Ибн Ҳалликоннинг ёзишича, у бу маълумотни Ибн Салоҳдан олганлигини, у ҳам ўз навбатида «Уламои амсор» номли машҳур асарнинг муаллифи ҳижрий тўртинчи асрда яшаган (321—405 йиллар) ал-Ҳоким ан-Найсобурийдан кўчириб олганлитнни таъкидлайди.

Тарихий манбаъларда Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг болалик йиллари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Олимларнинг таҳминларича, ўша даврдаги таомилга кўра, у дастлабки таҳснлни ўз отасн ал-Ҳажжож ва бошқа уламолар қўлнда олади. Қуръонн Каримни тўлиқ ёдлайди.

Ибн Асокирнинг «Дамашқ тарихи» асарида ёзилишича, Муслимнинг отасн ўз даврнинг етук олимларидан бўлиб, кўпчилик илм толибларига устозлик қилган. Аз-Заҳабий ўзининг «Тазкиратул ҳуффоз» асарида. «Муслим ҳадис илмини ўрганишни 218 ҳижрий, 832 милодий йилда бошлаган» деб ёзади. Бундан хулоса шуки, Муслим 12 ёшидан бошлаб энг аввало Қуръони Каримни ёд олади, сўнг ҳадис ва бошқа илмларни ўргана бошлайди.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг шундан кейинги ҳаёти ҳақида, хусусан, унинг онлавий аҳволи тўғрисида ҳам тарихий манбаъларда аниқ маълумотлар йўқ.

Ҳар ҳолда, Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг Абул-Ҳусайн (Ҳусайннинг отаси) куняси билан аталиши унинг Ҳусайн исмли ўғли бўлганлигига ишоратдир. Бу ўринда «Бағдод тарихи» номли кўпжилдлик йирик асарнинг муаллифи, таниқли тарихчи ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг (1002—1071) Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳақидаги қуйидаги ривоятини келтириш ўринли деб ўйлайман.

«Илмий-маърифий мажлисларнинг бирида Муслим ибн ал-Ҳажжож пайғамбар аллайҳиссаломнинг олдин сира эшитмаган бир ҳадисларини айтиб қолишганда, дарҳол у мажлисни тарк этиб чиқиб кетди. Уйига келгач шамнн ёқиб уйдагиларига:

— Менинг ҳузуримга сизлардан бирортангиз ҳам кирманглар,— деди.

Шунда оиладагилар:

— Бизга бир савол ҳурмо ҳадя қилганлар (келтирганлар), — дейишди.

— Саватни менга келтиринглар, — деди имом Муслим. Улар саватни унга тақдим қилдилар.

Бу воқеа Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳаётининг охирларида, унинг вафотидан бирмунча муддат олдин юз берган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг оиласи, фарзандлари бўлган. Кейинги савол унинг касб-кори тўғрисида бўлиши табиий. Муслим ибн ал-Ҳажжож ўша даврдаги илм аҳлига хос касб, савдо-сотиқ ишлари билан машғул бўлган. У Нишопурда тижорат билан шуғулланиб, ўзига тегишли кўпдан-кўп мол-мулку, бойликларга эга эди, деб ёзади араб тарихчиси ибн ал-Имод ўзининг «Шазарат уз-заҳаб» («Олтин бўлакчалари») номли тарихий асарида.

Ушбу фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкин, Муслим ибн ал-Ҳажжож ўзига тўқ, бадавлат киши бўлиб, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Миср каби турли шаҳарларда яшовчи машойиху устозлардан илм олиш, ҳадислар ўрганиш ва тўплаш учун қилган сафарлари давомида ҳеч бир моддий қийинчилик кўрмаган.

Ҳадислар тўплаш иштиёқи билан яшаган Муслим ибн ал-Ҳажжож биргина Хуросоннинг турли шаҳарларида Қутайба ибн Саъийд, Яҳё ибн Яҳё ан-Найсобурий, Исҳоқ ибн Раҳвия Башар ибн ал-Ҳакам каби уламолар қўлида ҳадис илмидан сабоқ олади. Райда Муҳаммад ибн Маҳрон ал-Жамол, Ироҳим ибн Мусо ал-Фарра, ал-Ҳофиз Абу Ғассон Муҳаммад ибн Амр ар-Розийдан ҳадислар эшитади. Ундаи Ироқнинг Боғдод, Куфа, Басра каби шаҳарларига сафар қилиб, Аҳмад ибн Ханбал, Убайдуллоҳ ал-Қаворийрий, Халаф ибн Ҳишом ал-Баззор, Абдуллоҳ ибн Аван ал-Ҳарроз, Сурийж ибн Юнус, Саъийд ибн Муҳаммад ал-Хурмий, Абдуллоҳ ибн Муслим ал-Қаънабий, Абу Раъбийъ аз-Заҳроний, Умар ибн Хафис ибн Ғиёс, Абу Ғассон Молик ибн Исмонл, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юнус кабилардан ҳадис ўрганади. Шом (Сурия)да эса, Муҳаммад ибн Холид ас-Саксакий, ал-Валийд ибн Муслимдан ҳадислар эшитиб, уларни тўплайди.

Маккаи-мукаррама ва Мадинаи-мунаввара сафари давомида, зиёрати тавоф қилиб, бу муқаддас шаҳарларда яшаётган Исмоил ибн Абу Увайс, Абу Мусъаб аз-Заҳравий, Саййид ибн Мансур, Муҳаммад ибн Яҳъё ибн Абу Умар, Абдулжаббор ибн ал-Аълодан ва бошқа кўплаб уламолардан ҳадис тинглайди.

Имон Муслим илм-фан, хусусан Исломий маданият ривожланган бир даврда яшаганлиги учун бошқа уламолар каби, у кишидан ҳам ташқи қиёфаси тасвирланган бирор сурат қолмаган. Чунки, ўша пайтларда бундай ишлар шариат қонунларига зид ҳисобланарди. У қаддиқомати келишган, соч ва соқоли оппоқ, салласининг учи икки елкаси орасига тушиб турар эди, деб қисқагина маълумот берилган.

Муслим ибн ал-Ҳажжож ғоятда обрў-эътиборли, ўта ҳақиқатгўй, илм аҳли ва уламоларнинг энг буюк пешволаридан бири эди. Алломанинг бирқанча замондошлари ва шогирдлари бу хусусда ишонарли маълумотлар қолдирган. Кўпчилик олимлар у кишининг илму-ирфонда, хусусан ҳадис ва фиқҳда энг юқори даражага етишганлигини якдиллик билан таъкидлаганлар. «Саҳиҳ Муслим»га шарҳ ёзган машҳур олим ан-Нававий: «Муслимдан кейин ўтган уламолардан бироитаси ҳам унинг даражасига етишолмадилар. Унинг даврида яшаган замондошларидан камдан-камларигина унга баробар келмасдан, фақат бирқадар яқинлашишга муваффақ бўлганлар» — деб таъкидлайди.

Ҳадисларни ёд билишда ҳатто унга «ҳофиз» лақабини ҳам бергандилар. Дарҳақиқат. Муслим ибн ал-Ҳажжож ҳадисларнинг дунёга машҳур тўрт ҳофизларидан (Абу Заръа, Абдуллоҳ ад-Дорамий, имом Бухорий) бири эди. Ўша даврдаги қоидага кўра «ҳофиз» лақабини олиш учун энг ками минг, энг кўпи эса уч минг ҳадисни ёд билиши шарт эди.

Кунлардан бирида унга умрида ҳеч эшитмаган бир ҳадис ҳақида айтиб қолади-лар, Шу заҳоти у уйига бориб, ўз дафтарлари-ю, ёзувлари ичида ўша эшитган ҳадисини қидира бошлайди. Шу пайт мухлисларидан кимдир унга бир сават хурмо келтириб қолади. У хурмодан битта-битта олиб ер, бутун вужуди билан ўша эшитган ҳадисинн қидирарди. Ниҳоят саватдаги хурмолар тугай деганда ўша ҳадисни топади.

Тарихчи ал-Йофиъий у ҳақда бундай дейди, «Ҳадис илмининг аркон (устун)-ларидан бири «Саҳиҳ» ва бошқа кўп китобларнинг муаллифи бўлиб, унинг фазилатлари машҳур, сийратлари ҳар қандай ҳурмат эътиборга лойиқ зот эди». (Миръот ул жинон, 2-жилд, 174 бет).

Ўша даврдаги кўпдан-кўп уламолар Ҳадис илмида Муслим ибн ал-Ҳажжождан таълим олганлар. Унга таяниб ривоят қилганлар.

* * *

Ривоят қилинишича, Муслим ибн ал-Ҳажжож имом Бухорий билан яқин алоқада бўлган, ул зотдан сабоқ олган. Таҳмин этилишича, уларнинг дастлабки учрашуви 250 ҳижрий—863 милодий йилда бўлган. Бу пайтда имом Бухорий Нишопурга келиб ҳадис илмидан сабоқ бера бошлаганди Ёзма манбаълардаги айрим маълумотларда эса бу икки муҳаддис олдин ҳам кўришганликлари қайд этилган.

Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг Имом Бухорийга нисбатан муҳаббати ниҳоятда чексиз эди. Устозига ғоятда иззат-икром ва эҳтиром кўрсатар, ҳатто у бир куни имом Бухорийнинг ҳузурига келиб, унинг юзу кўзларидан ўпиб: «Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг саййиди, иллатли (ноқис) ҳадисларнинг табиби! Менга оёқларингизни ўпишга рухсат этинг», — деб мурожаат қилади. Имом Бухорий Нишопурда турган вақтларида у зотдан бир қадам ҳам ажралмади. Эртаю кеч ёнида бўлди. Имом Бухорийнинг обрў-эътибори Нишопур аҳли ўртасида ошиб, шуҳрати ҳар тарафга ёйилгач, катта-ю кичик илм толиблари ҳадис илмидан сабоқ олиш мақсадида, ул зотнинг ҳузурларига оқиб кела бошладилар. Имомга нисбатан бу даражада эътиборнинг ошиши охир-оқибатда бошқа уламоларнинг ҳасадига сабаб бўлди. Нишопурлик муҳаддис Муҳаммад ибн Яҳъё аз-Зуҳлий бу борада ниҳоятда беандишалик кўрсатди. Чунончи илм толиблари унинг йиғинлар (сабоқ)ига бормай, ҳаммалари имом Бухорий сабоқларига қатнай бошлаганларида у имом ҳақларида турли-туман ғийбо-бўҳтонларни тарқатиб, ҳар қандай йўллар билан унн обрўсизлантиришга уринди. Мана шундай мураккаб вазиятда Муслим ибн ал-Ҳажжож устозига нисбатан ғоятда вафодорлик ва содиқлик туйғуларини намоён этди.

Лекин Зуҳлий, ёлғон-яшиқ гап-сўзлар билан кўпчилнкни имом сабоқларидан чалғитиб, ўз ҳузурига чорлашга муваффақ бўлди. Муслим ибн ал-Ҳажжож шундай вазиятда ҳам имом Бухорийдан сира ажралмади. Натижада у билан Зуҳлий ўртасида кучли адоват пайдо бўлдики, Муслим ибн ал-Ҳажжож нафақат аз-Зуҳлий ҳузурига бормай қўйди, балки ундан аввалги олган сабоқларида ёзганларининг ҳаммасини жамлаб ҳаммол орқали Муҳаммад ибн Яҳъё аз-Зуҳлийнинг уйига қайтариб юборди. Бу икки ўртадаги адоват юқори нуқтага етиб, у билан алоқасини батамом узганлигининг белгиси эди. Бу мисоллар Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг ўз устози — имом Бухорийга ҳурмати ва садоқати беқиёс эканлигидан далолатдир.

* * *

Имом Муслим ҳадис илмига бағишланган кўпдан-кўп асарлар яратган бўлсада, уларнинг баъзиларини фақат номларигина маълум бўлиб, афсуски, мукаммал манбаълар бизгача етиб келмаган. Олим асарлари ҳақидаги ихтиёримизда мавжуд бўлган маълумотларни жамлаб, ўқувчиларга маълум этадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

1. «Ал Жомъе ас-саҳиҳ».
2. «Ал-мунфаридат ва-л-ваҳдон» «Алоҳидалар ва якқалар». (Ушбу асар 1323 ҳижрийда Ҳайдарободда нашр этилган бўлиб, 34 саҳифадан иборат).
3. «Китоб ал-куно ва-л-асмои» «Кунялар ва исмлар ҳақидаги китоб».

Илмий нуқтаи назардан бебаҳо, бўлган бу асар бир манбаъда исми билан зикр қилинган, иккинчи жойда куняси ёки лақаби билан аталган ровийларни аниқлашда ниҳоятда қўл келади. Чунки, бундай ҳолатда кўпчилик бир ровийни икки киши деб тушуниши мумкин. Ушбу асарнинг ҳижрий бешинчи асрда ёзилган қимматли бир қўлёзмаси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида сақланади. Шунингдек, қўлёзмаларнинг бир нусхаси Ҳиндистоннинг Ботина ва яна бир нусхаси Туркиянинг Али Шаҳийд кутубхоналарида сақланади.

4. Китоб ут-тамйиз «Ажратиш, фарқлаш ҳақидаги китоб». (Ушбу асарнинг олтинчи ҳижрий асрда кўчирилган қўлёзма нусхаси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида. Унинг охиридан ҳаммаси бўлиб 15 варақдан иборат бироз ноқис саҳифалари бор. Қўлёзманинг ташқи ғилофига «Имом Муслим Китоб ут-тамйиз» китобининг биринчи қисми» деган сўзлар ёзилган).

5. Рижол урва ибн аз-Зубайр «Урва ибн аз-Зубайр аъёнлари». (Ушбу асар ҳам Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида сақланади. У 463 ҳижрий йилда ироқлик машҳур тарихчи ал-Хатиб ал-Бағдодий томонидан кўчирилган).

6. Китоб ут-табақот «Ровийлар табақалари ҳақидаги китоб» (Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг бу асарида пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрганлар ва ундан ривоят қилганлар ҳақида фикр юритилади. Ҳижрий 628 йилда кўчирилган асарнинг бир қўлёзма нусхаси Сарой (Туркия)даги Аҳмад ас-солис кутубхонасида сақланади).

Бу қимматли асарларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш шарқшуносларимиз, олиму уламоларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Зеро, бу асарлар, сарвари олам жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом умматлари бўлмиш жамики туркийзабон халқларни рушду ҳидоятга бошловчи йўл-йўриқлар бугун ҳаракачонгидан-да зарур. Мустақил Ўзбекистонимиз учун, унинг келажаги бўлмиш маънавий мукаммал ва соғлом авлодни тарбиялашдек олижаноб ишга хизмат қилади.

Муслим ибн ал-Ҳажжож умрининг охиригача илм истади. Илм йўлида турли шаҳарларни кезди. Ўз вафотидан икки йил олдин Бағдодни зиёрат қилди. Бағдоддан қайтгач, ўз туғилган юрти Нишопурда яшаб, то вафотига қадар тижорат ишлари билан шуғулланди. Манбаъларда келтирилишича, ул зот ҳижрий 261 йили Ражаб ойининг 25 куни, якшанба оқшомида вафот қилдилар. (милодий 875 йил, 6 май). Душанба куни Нишопурдаги Насробод қабристонига дафн этилди.

Убайдулло УВАТОВ,
филология фанлари номзоди.

Ҳосил—93

ЗОМИН ТОНГЛАРИ ПАХТАЗОРДА ОТАЁТИР

...Чигит экилиб, оппоқ момиқ толаларга, тўлиқ чаноқларга айлангунча деҳқон учун машаққатларнинг чеки кўринмайди. Унинг куни ҳам, туни ҳам, тонги ҳам, шоми ҳам далага, ғўзанга туташ.

Ҳосил терининг ташвишлари ҳам бир олам, аммо буниси сурурли ташвиш... Деярли ҳар йили ҳам шундай, икки қулоқ ниҳолларини жала, дўл ювиб кетади, деҳқон эса қайта-қайта чигит экади, зараркунанда ҳашоратлардан ғўзасини асраб авайлаб, бағрига гирён, қабоғини уйиб келаётган осмонга қараб хавотирда. Саратон қуёши бутун бошли чўлни ёқиб юборай дейди-ю, у бўлса қўли қабариб, қошу киприклари куйиб, ғўзасининг ардоғи билан банд... Терим маҳали эса ўна туманли осмонга қараб кўнгли гумонли...

— Куйиб-ёниб меҳнат қилмаган деҳқоннинг косаси оқармайди. — дейди ёш бўлса ҳам ғайратли, уста деҳқон эканлигини яна бир карра исбот эта олган чўлқувар Мухтор Эгизов. У бош бўлган «Мустақиллик» жамоаси эндигина иккинчи йил фаолият кўрсатмоқда, республикамиз мустақиллиги билан ёши тенг жамоа икки йилдан бери пахта экиб мўлжалдагидан знёд ҳосил кўтармоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди, туманда биринчилардан бўлиб зафарли хирмон тикланди.

— Марраннинг йўли олис экан, — дейди биз билан суҳбатда шу хўжаликнинг бўлим етакчиси Усмонқул Бозорбоев. — Ёзи билан тер тўкиб меҳнат қилдик. Ерларимиз янги ўзлаштирилган ерлар эмасми, ғўзани жудаям машинабоп қилиб ўстириб бўлмади. Соддароқ қилиб айтганда ғўза ниҳоллари бесўнақайроқ, гавдаси беўхшовроқ, бўғини калта бўлиб ўсди. Лекин ғўзалар танасини чилқий кўсак босди қолди, бодраб очилганияи айтмайсизми. Туман марказидан чиққан ҳашарчиларни ёппасига эгатларга тизиб чиқдик. Тарозининг бошида туриб ҳар бир кило терилган пахта учун олдинига 25 сўмдан кейинига 40 сўмгача ҳақ берилди. Режамизни уддаладик.

— Ҳосилнинг барчаси Ульяновск пахта тозалаш заводига биринчи навларга топширилди. Биз икки карра ютдик, — суҳбатни давом эттирди Мухтор Эгизов. — тезкорлик ҳисобига тежамга кетадиган қўшимча харажатдан тежаб, юқори нав ҳисобига келадиган қўшимча даромадга эга бўлдик. Ҳозирнинг ўзида хўжалигимиз бўйича ҳар бир меҳнаткашнинг ўртача ойлик даромади юз минг сўмдан ошиб кетди, дастурхонига кутбарака кирди. Заводга эса сифатли тола келди. Сифатли тола — сифатли маҳсулот, кийим-бош, газлама дегани...

«Ғалаба» туманнинг юз хўжаликларидан. 5500 тонналик пахтани шу хўжалик миришкорлари етиштириб берадилар. «Ғалаба»лик пахтакорлар ҳам эрта-индин зафар маррасини эгаллаш арафасида туришибдилар.

Бахтиёр Сарнев шижоатли деҳқонлардан. У бош бўлган жамоа тумандагина эмас, балки вилоятда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини шараф билан уддалаган эди. У билан хўжалик пахта штабида учрашдик.

— Зиммамиздаги мажбуриятни ҳам адо этдик. Пахта марказига жамоамиз аъзолари теримни давом эттиришга аҳд қилганини билдирганн келгандим. Даламизда ҳали ҳосил бор, ҳосил бўлганда ҳам ушоғи, толаси олтинга тенг пахта бор, тернб олмаслик увол...

Туман ҳокими Нурмуҳаммад Умаров ён дафтарчасндан ўрин олган турли-туман ёзувлар орасидан туманнинг энг илғор, зиммасидаги режаларини адо этган пахтачилик звеноларн етакчиларининг номларини айтиб берди. Мана улар: Эрмуҳаммад Тожибоев, Маматкарим Муродов, Абдужаббор Сафаров, Бахтиёр Ҳусанов, Бериқбой Ўтаганов, Жумабой Бердиёров, Эрбўта Сангиров, Абдуғаффор Элмуродов, Бахтиёр Сариев, Улуғбек Сулаймонов, Хўроз Жўраев...

Туман пахта штабидан яна қуйидагиларни билнб олдим: Марҳабо Сайдуллаева, Гулсара Усмонова, Гулсара Холиқулова, Мелиқўзи Бекмуродов, Норгожи Умарова, Ҳабиба Саксонова, Нилуфар Тиллаева каби юзлаб, минглаб теримчиларнинг шижоатли меҳнати билан хирмонлар кўкка бўй чўзмоқда. Абдумалик Йўлчиев, Алишер Маҳкамов, Нарзулла Сарнев кабн терим машиналарн жиловкорларининг ғайрати билан хирмонлар залвори ошмоқда.

Туман бўйича кунига 9 мингдан знёд ҳашарчи этак бойлаб далага чиқаётир. Зомин шаҳар Кенгаши ижрокоми раиси Ҳусан Абдураҳмонов теримга сафарбарлик ҳақида гапирди.

— Ҳашардан ҳеч ким четда тургани йўқ. Туманда фаолият кўрсатаётган барча муассаса ва ташкилотлар баҳоли қудрат теримда кўмак беришмоқда. Жумладан, электромеханика заводи, туман соцнал таъминот бўлими, матлубот жамияти, туман Марказий банки кабн ташкилотлар ва маҳаллаларнинг ҳашарчилари «Оқар», «Ғалабанинг 40 йиллиги», «Мустақиллик» хўжаликларн деҳқонлари билан ёнма-ён туриб пахта термоқдалар. Ҳозиргача ҳашарчнлар кучи билан туман бўйича 7 минг тоннадан знёд «оқ олтин» тернб олнндн.

Туман тнббиёт хизмати масъул ходими Пўлат Отабековнинг билдиришича пахта йиғим-теримига жалб этилган барча механизаторлар дори-дармон қутичалари билан таъминланган, ҳашарчилар ҳузурида, терим жойларида, дала шийпонларида ҳаким ва ҳамширалар навбатчилиги ташкил этилган, тегишли тиббий-кузатув назорати ўрнатилган.

Ҳа, бугун чиндан ҳам Зомин далаларида меҳнат шижоати бўлакча, Зафарли хирмон тиклаган «Мустақиллик», «Мелиоратор» каби хўжаликлар ва бугун эрта марраии забт этиш ишқида терим суръатига суръат қўшаётган «Янги ҳаёт», Абулхайр, Тоиров номли, «Оқар» хўжаликлари деҳқонлари ҳам чинакамига жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Зомин тонглари энг авнал пахтазорларда отаётир. Осмон қобоғини уймасдан, қор — ёмғирини қуймасдан туриб Зомиининг 25 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тикланди, биз бунга ишонамиз.

Ога БУРГУТЛИ.

ТЕЖАМКОРЛИК ҲИСОБИГА

Фарғонадаги 2504-автокорхона жамоаси қўшни Андижон вилояти Асака шаҳридаги 6-автомобилларни таъмирлаш заводн билан ҳамкорлик қила бошлади. Натижада 90 та машина газ билан ишлашга мослаштирилди. Бунинг эвазига шундай машинада кунига 3200 сўм маблағ тежаб қолнняпти. Йил охиргача яна 10 та автомашина суюлтирилган газ билан ишлайди.

Автокорхона «Узавтотранс» илмий техника-ишлаб чиқариш бирлашмасидан ёнилғини тежашда қўл келадиган карбюратор прокладкаларини сотиб олмоқда. Бу ҳар бир машина ҳисобига 10 фоиз ёнилғинн нқтнсод қилиш имконини беради. Олннган даромад ҳайдовчиларнинг маданнй-маиший шароитини яхшилашга, ночор оилаларга ёрдам бериш, қаровсиз қолган кексалар ҳолидан хабар олишга сарфланади.

— Жамоамизда ёнилғини тежаш бўйича махсус тадбир ишлаб чиқилган,— дейди автокорхона бошлиғи Муроджон Жўраев.— Ортиқча ёнилғи сарфлаган ҳайдовчиннинг маошидан унинг ҳақи икки баробар ушлаб қолинади, иқтисод қилганларга эса қўшимча ҳақ тўланади.

(ЎзА мухбири).

Бундан бир неча ой муқаддам қўшнимиз Ленинобод вилоятн Ашт туманнинг «Чилмаҳрам» массивидан оқиб ўтадиган Сирдарё устига Тошкент ва Сирдарё кўприксозлари бўйи 210, эни 15 метр келадиган кўприк қуриб беришни бошлашган эдн. Бугунги кунда эса ана шу кўприк қурувчиларнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли битиш арафасида турибдн.

СУРАТЛАРДА: (ўртада) Ашт туманн ижроия комитёти раисининг қурилиш бўйича муовини Эркинжон Абдуваҳобов ва ишчилар Ашраф Сирожов ҳамда Турсунбой Назаровлар.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

Ойнаи жаҳонда кўринг

Душанба, 15. XI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Мусиқа оҳанглари». Телефильм.
18.25 «Тараққиёт замини». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. «Мерос». «Бобурийлар шажараси».
21.30 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бузулук ўрмони». Телефильм.
19.30 «Лаҳза». Хабарлар.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Лаҳза». Хабарлар.
21.00 «Ассалому алайкум».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 ноябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар.
15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат». Кўп серияли телефильм премьераси.
16.40 «Истеъдодлар ва мухлислар».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
10.35 «Шеърий альбом». Г. Шергова.
18.55 «Гол».
19.25 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.40 «Ҳафтанинг акс садоси».
20.10 «Қандай қилиб бой бўлиш мумкин!». Телевикторина.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 23-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Эрнак ал аёл».
22.55 «АТВ-брокер».
23.00 «Джем-сешн».
00.45 «Бомонд».
01.15 «Мен».
Танаффус пайтида — (24.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Мульти-пульти.
9.45 «Особништалик № 9».
10.45 А. Шнитке асарлари янграйди.
11.15 Хонаки экран. «Беш оқшом». Бадиий фильм.
12.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
13.15 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.05 «Бозор томон йўл».
14.20 Киноқиссалар. «Сукунат». Бадиий фильм. 1-серия.
16.00 «М.трест».
16.15 Болалар учун янгиликлар.
16.30 «Бола тилидан».
17.00 «Қутқариш хизмати 911».
*
18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.45 Душанба куни детектив. «Лани страйн» таништиради. «Санат терговн». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
20.40 «Бахтли тушлар таъбири».
21.10 «Мусиқа йирик планда».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Ҳақиқат онлари».
23.30 Катталар учун мультфильм.
23.35 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.10 Тунги сеанс. «Ҳужумга учун». Бадиий фильм (Польша).

Сешанба, 16. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Янграсин шўх яллалар».
7.50 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
10.20 «Тошкентда куз». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни кўпайтириш.
11.00 Эртаклар яхшиликка етаклар. «Шаҳзода ва маянка».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Гурунг».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
10.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.45 «Эргаш Ҳамроев ҳақида қисса». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Дунё воқеалари.
19.35 «Илҳом дақиқалари». Карим Баҳриев.
20.00 «Бўзсув жилолалари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Қорақалпоғистонда Тошкент маданияти кунлари олдидан. «Орол оҳанглари».
21.50 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 Фан ҳақида суҳбатлар.
20.40 «Севги уйлари». Телефильм.
21.10 «Билим сарчашмалари».
«ОМАД» таништиради
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Мультфильм.
10.50 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 23-серия.
11.20 «Инсон ва қонун».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Австралия). 1 ва 2-сериялар.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Мелиховадан мактублар». Телефильм.
17.10 «Янги номлар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «АвтоВАЗ кафолат беради».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм.
22.15 «Мавзу».
23.10 «Матбуот-экспресс».
23.20 Жаҳон шаҳарларининг тунги ҳаёти. Амстердам.
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Экстро НУЖ».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ҳақиқат онлари».
* * *
12.00 Мульти-пульти.
12.10 Хонаки экран. «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.05 Киноқиссалар. «Сукунат». Бадиий фильм. 2-серия.
15.50 «Телегазета».
16.00 Россия телевизион театри.
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.45 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?».
17.10 «Трансросэфир».
17.45 «Ман қаҳрамонлик кўрсатмадим. Ман яшадим». Ольга Берггольц.
*
18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 243-серия.
21.10 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
21.35 «Кузги сайловолди марафони».
21.45 Катталар учун мультфильм.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Буржлар туркумидан».
23.00 «Маърифат мевалари».
23.45 Санкт-Петербург балети. Ю. Михалина рақсга тушади.

Чоршанба, 17. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қалбим наволари».
7.50 «Юлдузлар ҳақида эртак». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
0.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Фаттоевлар оилавий ансамблининг концерти.
18.40 «Ҳамкорлик самараси».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Хиза». Телефильм.
19.35 «Санъат оламида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Мусиқий кўрсатув.
21.35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Иқтисодчилар мактаби».
20.00 «Спринт».
20.25 «Кинотриада».
21.35 «02» тўлқинида.
21.55 «Евдокия». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 23.40— Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 А. Глазунов. «Денгиз». Поэма-фантазия.
11.20 «Джэм».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.10 «Осмони фалакда». Кўрсатувни В. Балашов олиб боради.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 Композитор Е. Дога.
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «700 клуби».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда— Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Мулкдор алифбоси».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.00 «Севги тарихи».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Останкино» хит-паради».
22.30 Шахмат параллеллари. Жаҳон чемпионлиги учун шахмат бўйича матч якунлари.
23.00 Янгиликлар.
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. Грециядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
9.25 Тонгги концерт.
9.40 «Буржлар туркумидан».
10.10 «Мусиқий залп». Халқаро фестиваль.
11.05 «Мусиқий коллекция». И. Сторожев.
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 243-серия.
12.40 «Параллеллар».
12.55 «Сафсаталар».
13.25 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.45 Киноафсоналар. «Шамолларга учган умр». Ҳужжатли фильм. 1- ва 2-қисмлар.
16.15 «Телегазета».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Такой возраст». Ёшлар тележурнали.
17.10 Мульти-пульти.
17.25 «Рус ижозатномаси».
*
18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 244.серия.
21.00 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
21.15 «Рус қобусномаси».
21.45 «Бизнес: янги номлар».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Кузги сайловолди марафони».
22.45 «60 дақиқа». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.
23.45 «/.клуб».
00.25 Криминал хабарлар экрани.
00.35 «Винил чангалзорларида».

Пайшанба 18, XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.45 «Дон—ризқ-рўзимиз». Қорақалпоғистондан кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Садо».
18.40 «Кашф этилаётган имкониятлар».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Сиҳат-саломатлик».
20.00 «Билдирсой». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.45 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Одамийлик сабоқлари».
20.20 «Тошкент оқшомлари».
«ОМАД» таништиради
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. 2-тайм.
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Омад». М. Танич ҳақида.
17.10 «Джэм».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра».
19.55 «Жамоатчилик фикри».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Жамоатчилик фикри» (давоми).
21.40 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
22.40 «Пеи-клуб».
23.40 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дам олиш танлови.
9.40 Тонгги концерт.
9.55 «Параллеллар».
10.10 «К-2» таништиради: «Абзац».
11.35 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия— Туркия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.
12.35 «Жаҳон аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 3-серия.
13.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 244-серия.
13.55 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.15 «Қутқариш хизмати 911».
15.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан қўрқади».
15.30 «Телегазета».
15.40 «Китоблар оламидаги гаплар».
15.55 «Ҳали англанмаган коинот».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Артзона».
17.10 «Трансросэфир».
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 245.серия.
21.20 «М-трест».
21.35 «Кузги сайловолди марафони».
21.45 Криминал хабарлар экрани.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Катта жанжал».
23.00 «Қисқаси». Мусиқий томоша.
23.45 «Тўлиной».

Жума, 19.XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Эстрада куйлари.
7.50 «Алдаркўса ва бой». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Ал-Хоразмий ватандоши». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
10.20 «Сулола». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви: Физика. Электромагнит тўлқинлар.
11.00 «Ҳамид Сулаймон». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви: Зоология. Сувда ва қуруқда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
10.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Аҳвол қандай, чемпион!». Озода Аҳмедова.
18.30 Рақслар гулдастаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Чорраҳа».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Учрашув». Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева.
22.10 «Сурнай навоси».
22.40 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг!».
19.50 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «042 қаерда!». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Олоаддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари, сизлар учун!
12.20 «Гамлет» мавзуида мулоҳазалар». Д. Шостакович мусиқасига яратилган фильм-балет.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Олоаддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
17.40 «Музограф».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Россия сайловининг акс садоси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «03 вагони».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.45 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
22.40 «Матбуот-экспресс».
«ВИД» таништиради:
23.00 «Музобоз».
23.45 «Х» кўрсатуви.
00.45 «Политбюро».
01.25 «Авто-шоу».
01.55 «Обоз» майдончаси. Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Нечин салон» саҳифаларида.
9.40 «Уз манзили».
11.10 «Ватаним менинг».
12.05 Хонаки экран. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 245-сария.
12.55 Мульти-пульти.
13.05 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.30 «Трансросэфир».
14.00 Россия телевизион театри.
15.40 Жума кунлари Дисней. «Улиқлар кўрфазилик бола». Бадиий фильм. 2-серия.
16.30 Болалар учун янгиликлар.
16.45 Мульти-пульти.
16.55 «Ҳайвонот оламида».
*
18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 «Маханик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм.
21.15 «Кузги сайловолди марафони».
21.25 Рақс марафони. «Бал рақслари».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «К-2» таништиради: «САС».
23.25 «Танаффус». В. Леонтьев куйлайди.
23.40 Тунги сеанс. «Бегоналар бу арда юрмайди». Бадиий фильм.
00.55 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия—Финляндия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

Шанба, 20. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
7.50 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Чимён. Йил фасллари». Телефильм.
8.20 Мутахассис маслаҳати.
0.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
0.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
10.30 «Етти ширин болакай».
10.50 «Ўлмас мерос». Телефильм.
11.10 Хитой тили.
11.40 «Фахрийлар—фахримиз».
12.10 «Бастакор Мардон Насимов. Хор ва халқ чолғу оркестри учун ёзилган асарлар.
12.50 «Аёл қадри».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Хотира». Элбек таваллудининг 90 йиллигига.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Дам олиш концерти.
21.35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
22.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сўнгги ташриф». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Театр оламида».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Матбуот-экспресс».
7.05 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Қадрдон тупроқ». Экологик кўрсатув.
11.15 «Илҳом манбалари».
11.45 «Веди».
12.25 «Смак». А. Макаревич маслаҳатлари.
12.40 «Инсон институти». А. Дерябин иштирок этади.
13.10 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьереси. 6- ва 7-серияляр.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи—Узун пайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
15.50 «Пул ва сиёсат».
16.20 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Парашют спорти бўйича жаҳон чемпионати.
17.00 «Қизил квадрат».
17.40 «Ўттиз йил ўтгач. Джон Кеннеди ҳалокатининг сирлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.30 «Ҳайвонот оламида».
19.10 «Оба-на».
19.40 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ақлли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ақлли». Телевизион бадиий фильмнинг давоми.
22.10 «Резонанс» студияси таништиради.
22.30 «М. Магомаев. Дўстлар билан учрашув».
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.45 Охирги киносеанс. «Декалог-VII». Телевизион бадиий фильм премьераси.
01.40 «Россия-93». Спорт рақслари бўйича халқаро танлов. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «730 формуласи».
8.55 «Сиз яратган боғ».
9.25 Ҳужжатли фильм премьераси.
9.55 «Рост» студияси. «Вирин. Чи тайм», «Бизнинг «Аралаш».
10.25 «Изабель». Дам олиш викторинаси.
11.10 Кундузги сеанс. «Мавзу». Бадиий фильм.
*
12.45—16.25
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.55 «Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари». 1-кўрсатув.
13.15 «Мозийдан ёғдулар».
13.45 «Дам олиш соатларида».
14.25 «Кўнгил кўприклари».
14.55 «Авлодлар». М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Катта залидан репортаж.
15.30 «Джансон хотирасига». Бокс бўйича халқаро турнир ҳақида.
16.15 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25 «Гранд-репортаж».
16.55 Театр сафари. «Глобус» Новосибирск ёшлар театрининг «Чайка» спектаклида.
17.40 Россия Федерацияси Олий суди залидан.
*
18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 «Уинстон Черчилль. Чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.30 «Россияни қандай эпақага келтириш мумкин?».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Мутлақо махфий».
23.30 «Ксюша ҳузурида».
24.00 «Динозаврга айланмайлик».
00.15 «Фильм-премьераси».
00.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
01.00 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Хорватия — Россия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

Якшанба, 21. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 41—42-сериялар.
10.00 Араб тили.
10.30 «Ёшлик» студияси. «Студентлар саҳнасида».
11.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
12.30 «Фаннинг ойдин йўллари».
13.00 Эстрада хонандаси Маъмура Қурбонова куйлайди.
13.30 Болалар учун фильм. «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
10.00 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 «Мультипанорама».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 «Оламнинг рангин тасвири». Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев.
20.20 Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Якшанба оқшомида».
21.45 Республика театрларининг телевизион фестивали. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилоят театрининг спектакли.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.30 «Курьер».
17.40 «Рок ҳақида».
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
10.20 Болалар учун. «Совға».
18.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
19.00 «Даракчи».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Видео-О».
20.55 «Курьер».
21.05 «Мусиқий йўлка». Мусиқий кўрсатув.
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.35, 15.15, 19.15, 22.45, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.40 Эрталабки гимнастика.
6.50 «Руҳни чиниқтириш».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Авто-шоу».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото» тиражи.
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Марафон-15».
12.45 «Пи» белгиси билан.
13.30 «Мен аёлман».
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради
14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.50 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.30 Халқ тароналари.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
20.05 «Турнахон». Бадиий фильм («Мосфильм», 1968 й.).
21.55 Эълонлар.
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.50 «Матадор».
24.00 Янгиликлар.
Тунги эрмаклар
00.20 «Теледартс».
00.50 «Телбалик». Бадиий фильм (Буюк Британия).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Мульти-пульти.
8.40 «Хайрли тонг!».
9.10 «Калит» кўрсатуви. «Шохона сафар». 6.қисм.
9.40 Ҳужжатли фильм.
10.00 «Рост» студияси. «Соник» — супар-ёжик», «Космос сабоқлари».
10.30 «Здоровье».
11.00 «Ати-бати...».
11.30 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар».
12.00 «XX аср кадрда ва кадр ортида».
*
13.00—17.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.10 «Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари». 2-кўрсатув.
13.50 «Дунё эшиги».
14.30 «Америка: ўтмишга ва келажакка назар».
15.00 «Шарқ дипломатияси тарихидан».
15.45 Дўстлик тароналари.
16.15 «Безнан мирас» (татар тилида).
16.55 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.05 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
18.00 Телефильм.
18.20 Си.Би-Эс кинотеатри. «Таъсирида». Бадиий фильм.
*
20.00—22.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Катталар учун мультфильмлар.
22.45 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Худолар араваси». Бадиий-ҳужжатли фильм.
00.30 «А» программаси.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64606.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев Пал (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пардақул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев, навбатчи — Ў. Ғойипов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 599. 93616 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 0: 00

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6